



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАРИХИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирларида иштирок этиш учун 20 — 24 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Нью-Йорк шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 24 сентябрь куни АҚШ Конгресси аъзоси, Вакиллар палатасидаги «Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус» раиси Трент Келли ва Миссисипи штати Миллий гвардияси

қўмондони, генерал-майор Бобби Жинни қабул қилди. Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, шу жумладан, парламентлараро мулоқотни

мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлараро мулоқот ва алмашинувлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Конгресс Сенати ва

Вакиллар палатаси аъзолари Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюрмоқда. «Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус» фаол ишламоқда, унинг таркиби кенгаймоқда. Конгрессда ҳар йили икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон кунлари ўтказиб келинмоқда.

АҚШнинг Миссисипи штати билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларга юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда Конгресснинг қўллаб-қувватлови муҳим экани таъкидланди.

Суҳбат якунида яқинда Конгресс делегацияси ва Миссисипи штати ишбилармонларининг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШга амалий ташрифини якунлар экан, анъанага кўра ушбу мамлакатда меҳнат ва истиқомат қилаётган ватандошларимиз, шунингдек, АҚШнинг нуфузли университетларида таҳсил олаётган «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари билан учрашди.

Норасмий муҳитда ўтган самимий суҳбат давомида Янги Ўзбе-

кистондаги ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, уларни фаол илгари суришда ватандошлар ва уларни бирлаштирувчи ташкилотларнинг иштироки муҳокама қилинди.

Учрашувда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ватандошлар ва ёшлар ўртасида мулоқот майдонини яратишга қаратилган «Ватандошларнинг халқаро бизнес марафони»га старт берилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий ва таълим алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига АҚШнинг илғор технологияларини жорий этиш, тиббиёт, транспорт ва логистика соҳаларида инновацияларни илгари суриш, мамлакатимизда маркетинг-плейсларни ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларга Ватанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдириб, айтилган барча тақлиф ва ташаббуслар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари томонидан пухта ўрганиб чиқилиши, энг истиқболлилари эса амалиётга татбиқ этилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти АҚШ-

да «Эл-юрт умиди» стипендиатлари сони 500 нафардан ошганига алоҳида эътибор қаратди. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва тажрибасини она юрtdа қўллаш учун имконият яратиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев талабаларга ўқишда ва келгусидаги касбий фаолиятларида муваффақиятлар тилаб, давлатимиз ёшларнинг ташаббусларига доимо очиқлиги ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, учрашув иштирокчилари Ўзбекистон етакчилигидаги хориждаги ватандошлар ва ёшларга қўрсатилаётган эътибор, уларнинг салоҳиятини рўёбга чикариш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равақига янада кўпроқ ҳисса қўшишга тайёрлигини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашув

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЎРТАСИДАГИ ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий вакили Матильда Богнер билан учрашди.

Мулоқот чоғида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқида илгари сурилган инсон ҳуқуқларига оид ташаббус ва тақлифлар алоҳида эътироф этилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, Сенат ва БМТ тузилмалари ўртасидаги институционал ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди.

Томонлар кенг жамоатчилик ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия лойиҳасини ҳамда халқаро мажбуриятларни амалга оширишга қаратилган парламент назоратининг янги шакллари муҳокама қилди.

Ўз навбатида, Матильда Богнер Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасида очиқлик ҳамда мулоқотни кучайтириш борасидаги сазй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

Шунингдек, учрашувда ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўқитиш, парламентнинг халқаро ҳисоботларда иштирок этиши, инсон ҳуқуқлари ҳимояси муҳокамасига фуқаролик жамиятларини фаол жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорқдаги юбилей сессиясида иштирок этган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ етакчи компаниялари раҳбарлари билан ўтказган самарали учрашувлари натижасида фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, молия ва инновациялар, кимё, энергетика ҳамда бошқа устувор йўналишларда истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди. Бу мамлакатимиз етакчисининг ўз халқи фаровонлиги йўлидаги шижоатли фаолиятининг аққол ифодасидир.

23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг музокаралари чоғида АҚШ Президенти Ўзбекистон етакчисининг АҚШнинг 50 дан ортқ йирик ком-

пания ва банклари раҳбарлари билан ўтказган учрашув ҳамда музокараларининг самарали натижаларини юксак баҳолади. Ушбу лойиҳа ва келишувлар икки мамлакатда ўн минглаб янги иш ўринларини очишга хизмат қилади.

Мазкур тарихий воқеа Ўзбекистонда амалга оширилаётган самарали ислохотлар ва бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли АҚШ компанияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқиши ортиб бораётгани натижасидир. Ушбу келишувлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга ва мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган сиёсати ва тинимсиз меҳнати туфайли Ўзбекистон янги тараққиёт йўлидан илдам бормоқда.

Бугун Ўзбекистон Республикаси ўзининг мисли кўрилмаган

очиқлиги ва жадаллиги билан ажралиб турган изчил, аниқ ва конструктив сиёсатни олиб бораётгани дунёнинг етакчи мамлакатига — АҚШ билан муносабатларда ҳам намоён бўлмоқда. АҚШ Президенти Дональд Трамп "Президент Мирзиёев — бир сўзли инсон ва биз бошқа қўллаб масалалар устида биргаликда ишлашда давом эта-миз!", дея олқишлаши ортида ҳам Қўшма Штатлардек давлатнинг Ўзбекистондаги шиддатли, ортга қайтмас ислохотларга ишончи ётади. Америкаликларнинг доно бир мақоли бор: "Одамларнинг сўзига эмас, ишига бок". Шу маънода, миллатимиз етакчиси амалий ишлари билан жаҳонда катта обрў ва эътибор қозонди.

Шу ўринда бир фикрни айтмоқчиман. Ҳозирги кунда дунёда расман 200 дан зиёд мустақил давлатлар бор, лекин аслида кўпчилигининг мустақиллиги қозғоғда, яъни сунъий. Чунки улар сиёсий, иқтисодий ёки хавфсизлик жиҳатдан у ёки бу давлатга тобе ва афсуски, уларнинг тақдири ўз пойтахтларида эмас, балки бошқа пойтахтларда ҳал этилади. Ўзбекистон улардан фарқли ўлароқ ҳақиқий мустақилликка эга бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу ўта таҳликали ҳамда мураккаб даврда жонажон Ватанимиз истиқлолини нафақат кўз қорачиғидек асрамоқда ва ҳимоя қилмоқда, балки тез сурунлар билан ҳар томонлама мустаҳкамлаб бораётир.



ДИПЛОМАТИК МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН ТАШАББУСЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги чиқишлари мамлакат ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида тобора кенг эътибор қозонмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг ушбу юксак минбардаги илк нутқиданоқ "Янги Ўзбекистон" гоёси халқаро ҳамжамиятга тақдим этилди ва у орқали демократик ислохотлар, инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарор тараққиёт масалалари асосий устувор йўналиш сифатида белгиланди. Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари нафақат нутқларда

янгради, балки кейинги йилларда халқаро майдонда амалий қарор ва резолюцияларга айланди.

Келинг, шу ўринда мухта-саргина ушбу ташаббуслар, тақлиф ва мулоҳазалар дунё ҳамжамияти томонидан қандай кутиб олингани тарихига тўхталсак.

2017 йилда Президентимиз БМТ минбаридан ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган конвенция ишлаб чиқиш, Марказий Осиё раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ва Орол масаласига глобал эътиборни жалб этиш тақлифларини билдирган эди.



ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚИМИЗГА ХОС БАФРИКЕНГЛИК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқи нафақат мамлакатимизнинг ривожланиш стратегиясини кенг жаҳон ҳамжамиятига баён этди, балки глобал муаммоларга нисбатан Ўзбекистоннинг қатъий позицияси ва фаол нуктаи назарини ҳам кўрсатди. Унда кўтарилган масалалар, илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги ўрнини яна бир қарра мустаҳкамлайди. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари бу ҳақда ўз муносабатини билдирди.



